Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
2-aprel,
shanba
№ 40
(3701)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан

## Биз — буюк юрт фарзандларимиз

**Қашқадарёда ана шу шиор остида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ёшлар фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат намояндалари, олимлар, ёшлар иштирок этди.**


ЎзА суратлари

Президентимиз раҳнамолигида жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Фестивал ёш авлодни юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислоҳотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништириш, уларда дахлдорлик туйғусини юксалтириш орқали ёшларни «оммавий маданият» ва бошқа иллатлар таъсиридан асраш, ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Жорий йилги фестивалда аввалгиларидан фарқли ўлароқ, ёшларнинг таклиф ва истаклари асосида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Фурқат Норматов. — «Бу менинг Ватаним!» шиори остида Президентимиз китобларининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган тақдимот, «Марра бизники!» лойиҳаси асосида ўтказилган мустақиллик марафони, «Кичик филмдан катта кинога», «Талабалар театр студиялари», «Ватаним — менинг фахрим!», «Ёшлар — жонли ижро тарафдори» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

↘(2).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2016 йил 1 апрел куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидланганидек, Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларни ва Марказий банкнинг аввалги ҳисоботлари якунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилди.

Ҳисобот йилида банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга, ликвидликни мустаҳкамлашга доир чоралар кўрилиши ва депозит базаси оширилиши натижасида юксак рейтинг кўрсаткичларига ва иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажми ошишига эришилгани сенаторлар томонидан қайд этилди. Банк тизимида эришилган кўрсаткичлар умумэътироф этилган халқаро нормаларга мос бўлибгина қолмай, балки айрим йўналишлар бўйича уларнинг баъзиларидан ортиқ ҳамдир.

2015 йилда банк тизимининг янада мустаҳкамланиши, банклар капиталлашув даражасининг ошиши ва инвестиция фаолиятининг кенгайиши таъминланди. Банк тизимининг умумий капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоизга ошди ва 7,8 триллион сўмни ташкил этди. Охирги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баравар ўсди. Мамлакат банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этди, бу эса Базел қўмитаси томонидан белгиланган умумэътироф этилган халқаро стандартларнинг энг кам даражасидан 3 баравар ортиқдир, банк тизимининг ликвидлиги энг юқори индикатор баҳолардан 2 баравар юқори бўлди.

Ҳисобот йилида банкларнинг жами активлари 25,1 фоизга кўпайди ва 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 65,2 триллион сўмни ташкил этди.

Пул-кредит сиёсати 2015 йилда истеъмол нархлари индекси бўйича мўлжалланган инфляция даражасини таъминлашга кўмаклашди. 2014 йилга нисбатан инфляция даражаси (6,1%) 0,5 фоизга пасайди ва 5,6 фоизни ташкил этди.

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 27,3 фоизга ошди. Ички маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфелининг умумий суммасида 86,7 фоизни ташкил этди, шундан 79,8 фоизи инвестиция мақсадларига ажратилган узоқ муддатли кредитлардир.

Банклар инвестиция кредитлари ҳажмларининг кенгайтирилиши иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш учун ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этди. 2015 йилда тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларга 10,2 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2014 йилга нисбатан 20 фоизга кўп демакдир.

Иқтисодиётнинг техник ва технологик янгиланишини қўллаб-қувватлаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзлаштириш орқали банк тизимининг инвестиция сиёсатини кучайтириш натижасида молиявий-иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Улар ўз бизнесини яратишлари ва эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини амалиётда қўллашлари учун уларга қарийб 280 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2014 йилдагидан 1,3 баравар кўпдир.

Банк хизматлари турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми охирги беш йилда 3,5 баравар ошди, шу жумладан, 2015 йилнинг ўзида 1,3 баравар ошди.

Банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган ишончнинг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилди.

Натижада 2015 йилда банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминлашнинг ва аҳоли фаровонлигини ошириб боришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат банк тизимида эришилган ижобий натижалар халқаро рейтинг агентликлари берган баҳоларда ўз аксини топди. Охирги олти йил мобайнида «Мудис» рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимига «барқарор» рейтингини бериб келмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун ишчанлик муҳитини яхшилаш соҳасида охирги йилда энг яхши натижага эришган жаҳон мамлакатларининг биринчи ўнталигига киради. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» ва «кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш» каби мезонлар бўйича Ўзбекистон охирги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди, ўтган йилнинг ўзидагина ўз рейтингини 63 ўринга яхшилаб олди.

↘(2).

Халқаро ҳамкорлик



## Юридик клиникада учрашув

**ЎзКУФК қошидаги Юридик клиникада Америка Қўшма Штатлари меҳнат вазирлиги вакиллари Кристин Спардинг, Жасмин Уилан ҳамда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходими Марина Галкина билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда ЎзКУФК юридик бўлими, мамлакатимиз Меҳнат вазирлиги ходимлари, клиника тренерлари ва волонтёрлари иштирок этди. ЎзКУФК юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсанов йиғилганларга клиника фаолияти тўғрисида маълумот берди. Жумладан, Д.Кимсанов клиникада турли ҳуқуқий йўналишдаги ўқув юртларининг 40 дан зиёд талаба ва ўқувчилари кўнгилли асосда амалиёт ўтаётгани, уларга Тошкент Давлат юридик ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетларининг юқори малакали ўқитувчилари тренерлик қилаётгани тўғрисида гапирди. Меҳмонларга Юридик клиника сайти, мурожаатларни онлайн рўйхатга олиш бўйича яратилган махсус дастур, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 20 йиллиги муносабати билан клиника томонидан ўтказилаётган «Меҳнат кодекси билимдони» онлайн викторинаси веб саҳифаси намойиш қилинди. Шунингдек, улар клиника «Ишонч телефони» имкониятлари билан таништирилди. Телефон орқали мурожаатларни электрон рўйхатга олиш тартиби, мурожаатлар статистикаси, йўлга қўйилган навбатчилик тизими, унинг жойлардаги вакилликлари фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

ЎзКУФК юридик бўлими мутахассислари меҳмонларнинг касаба уюшмалари тизимида мурожаатларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш, меҳнат масалаларида жамоатчилик назоратини олиб бориш тўғрисидаги саволларига жавоб беришди.

Меҳмонлар Юридик клиниканинг техник имкониятлари, тарғибот ишлари, клиника тренерлари ва волонтёрлари фаолияти, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш масаласида ЎзКУФК томонидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига

## Қалбларга ғурур ва ифтихор солган зот

**Мустақиллик шарофати туфайли унутилган қадриятларимиз ва тарихимиз тикланди. Энг асосийси, юртдошларимизнинг ҳаётга, ўз тақдирига, Ватанимиз тарихи ва келажаги, бой миллий қадриятларимизга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди.**

> «Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган. Давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади».
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсатаётгани, Францияда «Темурийлар даври тарихи ва санъати тадқиқот Ассоциацияси» фаолият юритаётгани, Соҳибқироннинг жанг санъати ҳамон жаҳондаги кўпгина ҳарбий академияларда илм сифатида ўқитиб келинаётгани, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда қатор олимлар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган ва ёзилаётган кенг кўламли асарлар фикримизнинг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ҳар тарафлама ўрганилаётгани, Соҳибқирон номи билан боғлиқ қутлуғ саналар халқаро миқёсда нишонланаётгани, 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони билан «Амир Темур ордени» таъсис этилиши ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Халқаро Амир Темур хайрия фондининг ташкил этилиши ва бошқа кўплаб амалга оширилган, оширилаётган ишлар барчамизнинг қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Маълумки, 1996 йилнинг 23-26 октябр кунлари халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро конференция ташкил қилинган эди. Бу тарихий анжуманга Америка, Англия, Франция, Германия, Хитой, Миср, Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва яна дунёнинг қатор мамлакатларидан олимлар, меҳмонлар ташриф буюриб, бобомиз Амир Темурга ўз эҳтиромларини изҳор этдилар. Жумладан, ушбу анжуманда сўзга чиққан германиялик профессор Клаус Пандер Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг шонли қирралари устида тўхталиб, шундай деди: «Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил камайиб бораётган ҳозирги шароитда Амир Темур бўлганда эди, барча муаммолар ечим топарди». Албатта, ушбу эътирофни эшитиб, шу юртнинг фарзанди, шундай буюк зотнинг авлоди эканлигингдан фахрланиб кетасан, киши.

Истиқлол йилларида Амир Темур тарихи ва фаолиятига бағишланган жуда кўп китоблар, мақолалар ёзилди. Айниқса, 2011 йилда «Темур тузуклари» китобининг она тилимизда янгитдан юксак сифатда чоп этилиши, ҳеч шубҳасиз, маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеа бўлди.

↘(3).



Маҳалла сайлови ва юксак ҳуқуқий билим

>> 2

Газета ва газетхон

>> 4

Ishonch 2016-yil 2-aprel, shanba, № 40 (3701)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

↖(1).

Таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан барқарор пул-кредит сиёсатини олиб бориш давом эттирилди, банк тизими капиталини ошириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари миқдорини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисобига ва кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш чоралари кўрилмоқда, шунингдек, банк назорати тизимига Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиция фаолиятини юксалтириш, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилаётган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар ва бошқа молия муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш самарадорлигини ошириш тавсия этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати самарадорлигини оширишга, экология тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидланди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги ҳисоботи якунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг қарорини ижро этишга доир тадбирлар амалга оширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни ижро этиш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббусига кўра жамоат экологик назоратини амалга ошириш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ижро этилишини ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини батафсил муҳокама қилдилар.

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари билан ҳамкорликда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб борилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни тиклаш юзасидан 2015 йилда 14 та минтақавий дастур таклиф этилди ва ҳукумат томонидан маъқулланди.

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергиянинг қайта тикловчи манбаларини жорий этиш, экологик тоза товарлар ишлаб чиқариш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан табиий муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, чиқиндиларни бошқариш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини, экологик туризмни, қайта тикланадиган энергетикани ва бошқа муҳим йўналишларни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2015 йилда олиб борилган аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, давлат экологик назорати кучайтирилди ҳамда кичик ва ўрта бизнес зиммасига тушадиган юк камайтирилди, тармоқлараро бошқарув такомиллаштирилди ҳамда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди. Бажарилган ишлар табиий муҳит сифатига, биологик хилма-хилликни сақлашга ва тиклашга қўйилган талабларга риоя этилишини таъминлаш имконини берди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини — ҳам давлат экологик назоратининг, ҳам жамият экологик назоратининг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси чоғида 14 та масала, шу жумладан, демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Асосий қомусимиз қоидаларини амалда рўёбга чиқаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари учун ишчанлик муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

Мутахассис жавоб беради

**Маълумки, юртимизда жорий йилнинг май-июн ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Жойларда шу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, сайловга кўмаклашувчи комиссияларни шакллантириш ниҳоясига етказилиб, ишчи гуруҳлар тузилмоқда ҳамда раисликка номзодларни рўйхатга олиш жадал давом этмоқда. Номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга, фидойи инсонлар орасидан танлаб олиняпти. Сайлов муносабати билан таҳририятимизга маҳалла йиғини оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони фаолияти билан боғлиқ қатор саволлар келиб тушди. Уларга жавоб топиш мақсадида ҳудудий кўмаклашувчи комиссия аъзоларига мурожаат қилдик.**

## Маҳалла сайлови ва юксак ҳуқуқий билим

**САВОЛ:** *Илгари таълим соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган, яъни аввал ўқитувчи, кейинроқ директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлаган устоз маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодлардан бири сифатида кўрсатилди. Раиснинг бевосита вазифаларига нималар киради?*

**Д.ХОЛБОЕВ, Яшнабод тумани**

**ЖАВОБ:** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари ижтимоий адолат, демократия, ошкоралик, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборат. Мазкур тамойиллар жамиятимизда сиёсий-иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий қонунчиликдан ўрин эгаллаган. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини раислари ваколатлари алоҳида кўрсатилган. Унга кўра, фуқаролар йиғинининг раиси фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақиради. Фуқаролар йиғинига масъул котиб, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссияси раислари ва аъзоларининг номзодларини, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгашига ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимнинг номзодини тасдиқлаш учун тақдим этади.

Давлат органларида, шу жумладан, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалайди, фуқаролар йиғини номидан шартномалар, жумладан, меҳнат шартномалари тузади.

Масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Фуқароларни қабул қилишни амалга оширади, уларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Сайловлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ташкил этилади ва ўтказилади.

**Саволга Тошкент шаҳри кўмаклашувчи комиссияси раиси Равшан САЙДАҲМЕДОВ жавоб берди.**

**САВОЛ:** *Билишимча, маҳалла посбони ҳудуддаги ички ишлар нозири билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Турли қонунбузарликларнинг олдини олишда кўмаклашади. Қоида бўйича унинг ваколатларига нималар киради?*

**М.КАРИМОВ, Боёвут тумани**

**ЖАВОБ:** Маҳалла посбони ўз фаолиятини «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги Низом» асосида олиб боради. Жамоатчилик тузилмаси мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларда огоҳлик ва фаолликни ошириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликка асосланган ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилади.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳушёрлиги ва огоҳлигини ошириш, тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйи тизимлари билан ҳамкорлик қилади.

**Саволга Сирдарё вилояти кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Икром КАРАТАЕВ жавоб берди.**

**САВОЛ:** *Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси асосан ҳудуддаги обрў-эътиборли хотин-қизлардан сайланади. Маслаҳатчи маҳаллада қандай ишларни амалга ошириши керак?*

**Нигина МУХТОРОВА, Урганч шаҳри**

**ЖАВОБ:** «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Низом» мавжуд бўлиб, унга кўра маслаҳатчи жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини, аҳолида, энг аввало, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йиғини ҳудудида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга оширишга кўмаклашади.

Миллий маънавиятимизга зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этади. Маҳалла ҳудудида барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар ва фуқаролар йиғини аъзолари билан, шунингдек, жиноят содир этганлиги учун жазо муддатини ўтаётган ёки ўтаб қайтган шахсларнинг оилалари билан алоҳида иш олиб боради, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизлар, шунингдек, махсус ўқув-тарбия муассасасидан қайтган қизларни тураржой ва иш билан таъминлаш бўйича фуқаролар йиғини кенгаши орқали маҳаллий ҳокимликка таклифлар киритади. Ижтимоий кўникма марказлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорлик ўрнатади.

Маҳалла аҳолиси ўртасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича тадбирларни, миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишида фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорликни таъминлаш мақсадига йўналтирилган «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилишига кўмаклашади.

Маслаҳатчи мазкур вазифаларни бажаришда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва йиғин ҳузуридаги «Ота-оналар университетлари» билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

**Саволга Хоразм вилояти кўмаклашувчи комиссияси қошидаги ахборот хизмати раҳбари Солияжон РАҲИМБЕРГАНОВА жавоб берди.**

Наврўз — қадриятларимиз тимсоли

## Байрам тадбирлари давом этмоқда

**Юртимизда янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрибди. Серқуёш Қашқадарё воҳасида ҳам «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли» шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.**

Корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда жойларда ташкил этилаётган байрам сайилларида касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, маъмурий ва кўп қаватли бинолар ҳамда ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 238 нафар ёлғиз ва ёрдамга муҳтож кексалар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотлари томонидан хайрия сифатида ҳар бир тумандан 10 тадан эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бепул кўчатлар олиб берилиб, уларни экишга кўмаклашилди.

«Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида 1 млн. дан зиёд мевали, 916 минг 767 дона ҳар хил турдаги манзарали дарахт ҳамда 343 мингдан ортиқ гул кўчатлари экилди.

Вилоятда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилиб, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан уларнинг 617 нафарига озиқ-овқат, 153 нафарига кийим-кечак, 204 нафарига дори-дармон маҳсулотлари ҳамда 540 нафарига моддий ёрдам бериш орқали манзилли ёрдам кўрсатилди.

Байрам муносабати билан 3 нафар ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар берилди.

Меҳнат жамоаларида ўзбек халқ ўйинлари — кураш, арқон тортиш, кўпкари, тош кўтариш каби спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Қарши «Ёғ-экстракция» ОАЖ ҳамда Қарши бош каналидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги маданият муассасалари бадиий ҳаваскорлик жамоалари эса ўз корхоналари ва яқин атрофдаги маҳаллаларда мусиқий чиқишлар билан барчага хушнудлик улашди.

Тармоқлар тизимларидаги корхона, ташкилотлар балансида бўлган маданият муассасалари, кутубхоналар ҳамда «Қашқадарё соҳили» санаторийсида «Наврўз — янгиланиш ва ёшариш фасли» мавзусида кўргазмалар ташкил этилди. Шунингдек, «Талимаржон ИЭС» касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги Амир Темур номидаги маданият уйида вилоят мусиқали драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари иштирокида бадиий кеча уюштирилди.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**



## Биз — буюк юрт фарзандларимиз

↖(1).

Фестивал доирасида «Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари» мавзусида таниқли адиблар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари билан учрашувлар, «Депутат ва ёшлар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Ёшларда «оммавий маданият» ғояларига қарши иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган «оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти» лойиҳаси, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг уй юмушларига кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган «Нуронийлар эъзозимизда» лойиҳаси, «Виждонли сотувчи» акциялари барчага манзур бўлди.

Тадбирлар доирасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган «Барон» бадиий фильми намойиш этилди.

Касби туманида тадбирлар «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси билан бошланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бу жараёнда уларнинг иштироки, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Азизжон Камолов оиласи Наврўз байрами арафасида туман марказида қад ростлаган «Камолот» уйларидан бирига кўчиб ўтди.

— Президентимиз раҳнамолигида ташаббускор ва интилувчан ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди у. — Уйимизда барча шароит мавжуд. Мана шундай кенг ва ёруғ, замонавий уйга кўчиб ўтганимиздан бахтиёрмиз.

Вилоятда ёш оилаларнинг муносиб турмуш кечириши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ўтган йили Касби, Шаҳрисабз, Муборак туманларида 32, Қарши шаҳрида 64 оилага мўлжалланган кўп қаватли «Камолот» уйлари бунёд этилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Фестивал Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида ўтказилган «Мустақиллик фарзандлари» номли гала-концерт билан якунланди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

**Ў.БАРОТОВ, ЎзА мухбири**

Реклама ҳуқуқида

## Ҳамкорлик — фаровонликка хизмат қилади

IPOTEKA BANK

**Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга асосланган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун катта имкониятлар яратилмоқда.**

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш доирасида «Ипотека банк» АТИБ Оҳангарон филиали томонидан ҳам соҳа ривожига йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани фикримизга асос бўлади.

— Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти, биринчи навбатда, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади, — дейди «Qo'rg'on non» МЧЖ раҳбари Бекзод Садиров.

Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга мустаҳкам гаров бўлади.

Аввало, тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимда менга банкнинг иқтисодий кўмаги асқотди. Банкнинг Тошкент вилояти Оҳангарон филиалидан 50 млн. сўм кредит олдим. Ушбу маблағ эвазига замонавий ускуналар олиб келиб, нон цехини ташкил этдик. Айни пайтда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари туман ва шаҳар бозорларига етказиб берилаяпти. Олаётган даромадимиз ҳисобидан савдо шохобчасини очдик. Ҳозирда бу ерда маҳаллий ёшлар ишламоқда. Келгусида банк кўмагида ишлаб чиқариш фаолиятимни янада кенгайтириш режаларим бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини юксалтиришдек эзгу мақсадлар рўёби кўзга ташланмоқда.

**Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири**

Ўқув-семинар

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ўртасида тузилган Тармоқ келишувига асосан «Ботаника» санаторийсида ўқув-семинар уюштирилди.**

## Касаба уюшмасининг асоси

«Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» мавзуидаги машғулотларда Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги 17 та санаторий ва 2 та дам олиш уйи касаба уюшма қўмиталари раис ва ғазначиларидан 30 нафари қатнашди.

Республика кенгаши мутахассислари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш, даромад ва харажатлар сметасини тузиш, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимлари, иш ҳақининг таркибий қисмлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш йўналишидаги вазифалар ҳақида тингловчиларга атрофлича тушунтириш беришди. Шунингдек, Санатор-курортлар бошқармаси мутахассислари ходимлар вакиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари бўйича маъруза қилдилар. Қатнашчилар ўқув мавзулари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Семинар сўнгида барча тингловчиларга гувоҳнома-сертификат топширилди.

**Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири**

Юз билан юзлашганлар

## Эъзоз-эҳтиром кўрдим

*Уруш фахрийси Имомназар Қурбонов Марғилон шаҳридаги «Ёвқочар» МФЙда яшайди. Ўтган йили юз билан юзлашган отахонни маҳалла фуқаролар йиғини, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари қизғин муборакбод этиб, совғалар топширишди.*

— Тинч, осойишта юртга байрамлар ярашади, — дейди отахон. — Кексаларни эъзозлаш йилида ҳар доимгидан ҳам зиёда ҳурмат-эҳтиром топдик. Давлатимиз, саховатпеша ҳомийлар томонидан беминнат мурувват кўрсатилди. Ҳудудимиздаги 1-оилавий поликлиника шифокорлари саломатлигимдан доимо хабардор бўлиб туришибди.

Янги йил бўсағасида оиламиз билан биргаликда Президентимизнинг байрам табригини диққат билан тингладик. Шунда «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган ибратли сўзларни эшитиб, ҳаётнинг оғир синовлари, машаққатли дамлари кўз олдимда гавдаланди. Шукрлар бўлсинки, кўргиликлар ортда қолди. Шундай дориламон кунларда тинч, осойишта ва ободлик ҳукм сураётган муаззам, келажаги порлоқ Ватанда яшаётганимдан бахтиёрман.

Соғлом она ва бола йили ҳам самарали ва хайрли ишларга бой бўлишига ишончимиз комил.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

Шукрона

# «Тинчликнинг қадрига етинг...»

*дейди қўшкўпирлик Давлат бобо Мадраҳимов*

— Уруш бошимизга солган балою офатларни бугунги ёшларимиз асло кўрмасин. Унинг даҳшатлари ҳали-ҳануз мени ваҳимага солади, номи ўчсин урушнинг!..

Бу гапларни айтар экан отахоннинг кўзларига ёш келди. Қўшкўпирлик Давлат ота Мадраҳимов уруш даври қаҳрамонларидан бири. У айни кунда «Маданият» маҳалласида беш нафар фарзанди, невара, чевара ва эваралар даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Қарийб бир асрлик умри мобайнида йиллар тўфони унинг юзига ажин солган бўлсада, фикрлари теран, хотираси ўткир...

Давлат ота 1940 йилда армия сафига қабул қилинган қўшкўпирлик йигирма беш йигитнинг биттаси эди. Бир йил давомида Каттақўрғон шаҳрида ўқиб, сержантликка тайёрланди. Урушда танкчилик қилди. Яраланди, 3 ой даволаш лагерларида қолиб кетди.

— Биласизми, ўқ тегиб яраланганимда мени шам ёруғида операция қилишди, асбоблар ҳам кам, шароит анча оғир бўлишига қарамасдан умр берган экан, соғ-омон қолдим. Ҳозир невараларим ўзаро тортишиб қолса ҳам уларни тартибга чақираман, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишни, тинчликнинг қадрига етишни уқтираман. Замонамизга шукрона келтириб, аҳилликда яшаш кераклигини доимо тушунтираман.

Давлат ота жанггоҳдан қайтиб келгач, уруш келтирган қийинчиликлар заҳрини тортди. Очарчилик, оғир меҳнат одамлар қаддини букиб қўйди. Шундай бўлишига қарамасдан халқимиз бу қийинчиликларни ҳам енгиб ўтди. Урушда қаҳрамонлик кўрсатган юрт ўғлонлари эса фахримизга айланди.

**Шаҳноза БАҲРОМ қизи**



Сарвар ЭГАМБЕРДИЕВ фотолавҳаси.
*Сурхондарё вилояти*

# Газета ва газетхон

Истеъдод

*Бугунги нанотехнологиялар замонида хат алмашиш ёки бирон-бир ижодий ишни ноширга етказишнинг осон ва қулай йўллари кўп. Таҳририятга келадиган материаллар ҳам асосан электрон шаклда юборилади. Шундай бўлса-да, деярли ҳар куни бўлимга турли мазмунда хатлар битган кишилар келиб туришади.*
*Бу сафарги ташқи муаллиф телефонда ишхонамиз биносининг кириш эшиги ёнига тушишимни илтимос қилди ва юзлашганимизда бунинг сабабини дарҳол пайқадим. II гуруҳ ногирони бўлган 25 ёшлардаги йигит узоқ Қашқа воҳасидан шеърларини олиб келибди. Ундаги жисмий ва нутқий кемтиклик кишининг раҳмини келтиради. Аммо суҳбатлашсангиз, ўктам ва шижоатли, уйғоқ фикрли, энг муҳими, ватанпарвар ёшлардан эканига гувоҳ бўласиз. Бу нарса унинг қуйидаги шеърларида ҳам акс этган.*

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири**

### Юксак маънавият

*Кўкдаги юлдуздек барқарор порлар,*
*Қолгани ҳаётда ўткинчи кўчдир.*
*Қалбан улғайтирар, руҳингни поклар,*
*Юксак маънавият — енгилмас кучдир.*

*Эътиқодингни ҳам қилади бутун,*
*Иймону — виждонни уйғотгувчи бонг.*
*Ўтмишни билмадим, айниқса, бугун,*
*Юксак маънавият — енгилмас кучдир.*

*Тўсиқдан чўчимай ўта олади,*
*Билагимас, асли билими зўрлар.*
*Илмсизлик кўнгилга ғулғу солади,*
*Юксак маънавият — енгилмас кучдир.*

*Буни кечагина айтди Сарбоним,*
*Унинг негизини англашимиз шарт.*
*Унутмагин йўлга чиққан Карвоним,*
*Юксак маънавият — енгилмас кучдир.*

### Бугуннинг гапи

*Оғайни, ҳаттоки ёйлар камонда,*
*Туради отилар пайтини кутиб.*
*Шунақа сершовқин, тезкор замонда,*
*Ахборот қудратли кучга айланди.*

*Тушмайди, телефон доимо қўлда,*
*Компютерни нари сургимиз келмас.*
*Интернетга кириб юрамиз йўлда,*
*Ахборот қудратли кучга айланди.*

*Барибир ижобий томониям бор,*
*Буни тушунаман. Ва лекин, эвоҳ,*
*Яхшисин ёнида ёмониям бор,*
*Ахборот қудратли кучга айланди.*

*Нокас тарқатади нохуш иллатни,*
*Улар қармоғига илинма. Ҳайҳот,*
*Келажаги йўқдир тобе миллатнинг,*
*Ахборот қудратли кучга айланди.*

*Мияни заҳарлаб нима топамиз,*
*Тафаккур тиғини занг бостирмайлик.*
*Келгин, «вирус»ларга эшик ёпамиз,*
*Ахборот қудратли кучга айланди.*

**Барака БОҚИЙ,**
**Муборак тумани, Қарлиқ қишлоғи**

Инсон ўзинг...

# «Ортга қайтиш йўқ...»

*Фарзанди зулм кўрган, онанинг кўзёшлари сел бўлади, бундай уқубатга бардош бериш қийин.*

*Мустабид тузум даврида бир кампирнинг ўқимишли ўғли чақимчилар туҳмати билан йигирма уч йилга қамалиб қолади. Аввалига ён-веридагилар бу мусибатли хабарни сир тутишади. Сафарга кетди, дам олишда, ишлари кўп экан, дегандай гаплар билан овутиб юришади. Онанинг кўнгли сезгир бўлади. Тунлари безовта тушлар кўради. Навбатдаги аврашларнинг бирида она ҳақиқатни қатъий туриб талаб қилади. Уйдаги катта келин, кўзёшини зўрға тийиб, бор гапни ётиғи билан тушунтиришга уринади. Кесилган йилини камайтириб айтади. Онаизор чидай олмайди. «Ай, болам-ай» деганича, борар йўлидан тўхтаб, жойида ўтириб қолади. Кўзларидан дувва-дувва ёшлар қуйилади. Овозсиз инграйди. Сўнгра аста ўзига келиб: «Жони омонми? Худойимнинг куни кўп. Бир кунмас, бир кун, албатта, қайтиб келади! Ҳақли ҳақига боради...», дейди. Ўзига ўзи далда берган кампир шартта ўрнидан туриб, қўлига ўроғини олиб, томорқа этагига қараб юради. Нима биландир ўзини овутиши керак, шунда ғам-ташвиш узоқлашади. Акс ҳолда...*

*Орадан икки йил ўтиб, онага бир йўловчи шундай дейди: «Ўғлингиз Оқтўбада, озодликка чиқди. Касалванд, даволаниб кейинроқ келади». Яхши хабар. Касал дегани нимаси? Дардни берган Худо шифосини ҳам беради. Она уйда хотиржам ўтириши мумкинми? Бундай қараганда, йўл ҳам унча узоқмас. Бир югурса етиб боради. Ҳақиқатда эса... Кичик ўғли колхоз «завгар»идан минг илтимос билан бир енгил автомашина ёллаб олади. Энаси билан бориб, иложи бўлса акасини бирга олиб келиш учун йўлга чиқади. Йўлдошлар жимиб кетса, йўл унмайди. Ривоят айтиш мавриди эмас, қўшиқни учовидан бири ҳам билмайди. «Йўл азоби — гўр азоби». Айниқса, нотекис, ўйдим-чуқур бўлса, ёшни толиқтиради, кексани чўктиради. Йўл ярмига бормабди, силтовлар боис кампир анча қийналибди. Шунда ёнида кетаётган ўғли: «Эна, қийналиб қолдингиз, етиб боришимиз анча мушкулга ўхшайди. Йўллар ҳам нотекис экан. Ортга қайтганимиз яхшимикин ё?» дебди.*

*Шунда кампир: «Воҳ болам-а, ортга қайтиш йўқ. Машинани тўппа-тўғри Оқтўбага ҳайдайверинглар. Мабодо, йўлда ўлар бўлсам, шу ўғлим томонга қараб йиқилиб ўлайин, майли, розиман», дебди.*

*Онанинг юрагидаги меҳр-муҳаббат эсон-омон ўғлининг дийдорига етказибди. Оқтўбадан машина тағин бир йўловчига кўпайиб изига қайтибди.*

**Баҳодир КАРИМОВ**

Оммавийлик сари

# Саломатлик кунда керак



**Мана 11 йилдирки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан банклараро спартакиада кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда.**

Навбатдаги мусобақада жамоалар спортнинг 8 тури бўйича беллашди. Стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақа, айниқса, муросасиз кечди. Баҳсларда «Агробанк» АТБ жамоаси биринчи, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси иккинчи ва Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

— Мамлакатимизда спорт турларининг оммавийлигини таъминлаш ва шу орқали аҳолини спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ҳамда мароқли ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётир, — дейди «Агробанк» АТБ касаба уюшма қўмитаси раиси Сервер Оразов. — Шунингдек, жамоат вакиллари билан доимий тарзда учрашувлар, давра-суҳбатлари ўтказиб келинаётир.

Мусобақа якунида ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ**

Умр ҳикматлари

# Илинчак

— Бувижон, дуо қилинг, мен ўқишга кетяпман, Тошкентга...

— Таътилинг дарров тугадими, болам?

— Ҳа, қишкиси шунақа қисқа.

— Майли, ке анови қумғонда қайнаган чойни дамла, менга памил чой, ўзинг-чи?

— Фарқи йўқ, ичавераман.

Ер ўчоқда тут каллаклари ёниб чўғ бўлган. Қора қумғонда чой биқирлаб қайнаяпти. Чойни дамлаб, дастурхон устидаги патниснинг юзини олдим. Бир ликопчада майиз, яна бирида чақилган ёнғоқ, туршак, пиёлада эритилган сариёғ турарди.

Бувим юролмайди, кексайганда икки оёғи бод бўлди. Отам олиб бормаган дўхтир қолмади...

Сурилиб сандиқнинг олдига борди, қопқоғини очиб, бир халтачани инқиллаб тортди, мен ёрдамлашдим.

— Манавини опкет, чой ичганда бизни эсларсан.

Ичида нима борлигини биламан, менинг улушим — туршак, чақилган ёнғоқ, майиз, пластмасса қопқоқ билан оғзи беркитилган банкада асал, ўрик қоқи ва қурут. Қурутни ўзи тайёрлаган, қуруқ мевалар ҳам ҳовлидаги боғдан. Халтага кўк ручкада катта ҳарф билан Б деб ёзилган. Демак, менга аталган. Мендан бошқа яна 2 та талаба бор, уларнинг улуши ҳам турибди.

Омборда катта-катта кўзалар бор, уларда камида 50 килодан гуруч, мош, маккажўхори дони, гўжа, ҳатто ёққа қовуриб солинган гўшт, эритилган сариёғ туради. Қишга бундай жамғариш уруш вақтидан буён одат бўлиб қолган. Омбордаги донда ҳам талаба ва сафарга чиққанларнинг улуши бор...

— Буви, мен йўлга чиқай энди, дуо қилинг.

Бувим қўлини очиб узундан-узун дуо қилади. Кейин кўрпачанинг тагини тимирскилаб, пул олиб узатади:

— Мана, пенсадан атаганим, бориб 2-3 кун кун кўрасан, отанггаям осонмас...

Институтни тамомлаган йилим бувим оламдан ўтди. Ўтган кунлари ҳам сандиқда насиба халталар турарди, кўрпача тагида пенсия пули...



Ҳозир онам уйимизга кириб келди. Қўлида оқ рўзғор халта. Ичида ўша бувимнинг менга аталган халтасидаги нарсалар. 40 ёшдан ўтдим, ҳалиям улушим узилмабди. Бахтимизга онажону бувижонларимизнинг умри узоқ бўлсин!

**Баҳриддин АСРОР**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 313-86-87
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** U.Ibodinov
**Navbatchi:** R.Mahkamova
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **22:00**
Topshirildi — **23:10**
1 2 3 4 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 415.
21221 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133